



Совет ҳукумати Кўкон автономиясини миллий буржуазия пан тюрксистик давлат, деб каради. Туркистонда бошланган собик иттифокка қарши Миллий озодлик ҳаракатини эса «босмачилик» ҳаракати деб «таловчи», «бандит» ҳаракати деб айблади. «Босмачи» сўзи 1919 йилда пайдо бўлди. Бу халқ қасоскорлари бўлиб «Туркистон халқларининг ватани» деб эълон қилинди. Бу ҳаракатга обрўли одамлар, диний намоёндалар, тирик қолган ҳукумат аъзолари ва бошқалар қатнашди. «Босмачи» деб «бандит», «қароқчи» даражасида тушунганлар миллий озодлик учун курашган халқ қаҳрамонлари эди. «Босмачилар» миллий давлатни тузиш ва Туркистон халқларининг мустақиллигини таъминлаш учун курашдилар. Вақтинча тоғли ва қумли жойларга чекинган бўлса ҳам ислом ва миллий қучлар қуч тўплашиб уларга қарши тўхтовсиз кураш олиб бордилар. Мустафо Чўқай Туркистон халқлари ўзини давлатига эга бўлиш, ягона Туркистон тақлифи билан чиқди. Унинг боши учун 1000 сўм эълон қилинди. Лекин у 1918 йил майда бошқа фамилия билан Тошкентдан чиқиб кетди.

Большевиклар собик иттифок миллий озодлик ҳаракатига шавқатсизларча курашдилар. Улар миллий озодлик курашининг энг шиддатли ва жанговор босқичи ҳисобланган. Босмачилик тасодифий ҳодиса бўлмай ўз даврининг сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг маҳсули сифатида юзага келди. Чунки Чор ҳукумати тоталитар сиёсатини юргизиб ва тараккиётни бўғиб халқнинг қазаби ва нафратини кўзгатди. Айниқса, Туркистонда мустамлакачилик ва улуг миллатчилик сиёсати юқорига чиқди. Большевиклар Туркистонда ҳокимиятни қўлга киритгач, туб аҳолини қиритиб, мол-мулкни талаш билан шугулланиб сиёсий ва инсоний ҳуқуқларга йўл бермади. Бу ҳақда Турар

Рискулов (Туркистон компартияси мусулмонлар бюроси раиси) «Биз шўрлик мусулмонларни Николай замонидан кандай хайвон ўрнида карашган бўлса, йўксиллар (советлар) ҳукумати даврида ҳам шундай... хозир ҳам зулматда яшамокдамиз, оч, ялангоч, итга ўхшаб хор бўлиб ўлиб кетаяпмиз. Бунинг учун ким айбдор?... Мен бойлар тарафини олмокчи эмасман. Бирок бир камбагалнинг битта оти бўлгани ва шу отга арава кўшиб, оиласини бокиб тургани хакида гапирмокчиман. Бир кизил армия жангчиси уйига бостириб кириб, зўравонлик билан отни текинга олиб кетган. Энди оила ниманинг хисобига кун кечиради? Нахотки шундай килиш фирка дастури амалида бўлса? Бойларнинг мол-мулкини бўлиб беряпмиз, деб аслида 84 минг кишилик бутун шахарни талон-торож килишди. Хўш, бу нима деган гап? Намангандан чикадиган барча махсулот, кимматбахо буюмларни тортиб олишиб, то кулфгача рўйхатга киритишди. Баъзи кишиларни курол саклашда гумон килиб камашади, курол топиша олмагач, уларни шартли равишда озод килдилар ва беш-ўн минг сўм жарима тўлатдилар. Бу пуллар каерга кетди - шўролар кассасигами ёки чўнтакками? Агар чўнтакка бўлса, бу холда кандай бахо бериш керак? Ёки ўзлари ҳукмрон бўлишлари учун бу ҳукуматни барпо килдиларми? Улар (большевиклар) бошкаларнинг ипак-газламалари ва кимматбахо буюмлари билан уйларини безадилар. Бизларга нима беришди? Корнимизни тўйгазишдими? Йўк! Агар яхши кийинтиришганда камбагаллар ялангоёк юришармиди? Агар корнимизни тўйгазишганда минглаб одам очликдан ўлармиди? Бизнинг уйда нималар колди? Факат жулдур тўшаклар, холос. Бошка хеч нарса». Большевикларнинг гайриинсоний сиёсати шу даражага етдики, кўз кўрмаган ва кулок эшитмаган жиноятга кўл урдилар. Фаргона водийсида саноат тармоқларини барчасини давлат мулкига айлантирдилар. 1918 йил 26 февралда «ўлкадаги пахтани мусодара килиш тўгрисида» декрет кабул килинди. Туркистонда мавжуд бўлган бутун пахта мусодара килинди ва Туркистон ўлкаси ишчи-деҳкон ҳукуматининг мулки деб эълон килинди. Сўнгги хужжатда каршилиқ кўрсатилса, отишгача барча чоралар кўлланилсин. 1918 йил декретлари асосида 140 дан ортик завод ва йирик пахтачилик фирмалари, 400 га яқин кичик корхоналар эгалланди. Шунингдек, 2 млн. 657 минг пуд пахта толаси, 413,09 пуд уруглик чигит, 476,8 пуд гўшт ва бошка нарсалар кўлга олинди. Пахтачилик саноати Россия учун энг ахамиятлидир. 1917 йилда, 1918-1919 йилларда ҳам камида 1 млн. пуд дан ортик дон Россияга юборилди, минглаб махаллий ахоли эса очликдан вафот этди. Большевиклар маънавий хаётни ҳам издан чикардилар: масжид ва мадрасалар бузилди ёки ёпилди, козилар уламолар хибсга олинди, Маргилонда Куръони карим ёкилди, Андижонда Жомеъ масжидига солдатлар жойлаштирилди, Кўкондаги мадрасага ўт кўйилди. Хуллас, ўлкада чидаб бўлмайдиган даражадаги огир сиёсий, иктисодий ва маънавий хаёт «босмачилик» курашининг негизини ташкил этди. Бу кураш мустакиллик ва озодлик руҳи билан сугорилган умумхалқ харакати эди. Водийда ўнлаб «босмачи» гуруҳлари шаклланиб душманларга карши аёвсиз хужумлар уюштиришди. «Шўрои Исломия», «Шўрои Уламо» раҳбарлари бевосита бошчилик килишди. Булар таркок холда юзага келганлиги туфайли умумий раҳбарлик марказини туза олмади. 1918 йил мартда барча кўрбошиларнинг биринчи курлтойи ўтказилди, катта Эргаш истиклол учун курашининг раҳбари этиб тайинланди. Ўша йилнинг ёзида унинг ўрнига Мадаминбек тайинланди. 30 минг атрофида Ватан химоячиларни бирлаштирди. Большевикларга карши бошка миллатлар ҳам курашди. Мадаминбек кўл остида - 90 та, Эргашда - 100 тага яқин рус офицерлари хизмат килганлар. Мадаминбек Жалолобод ва Ўшда тузилган К. Монстров бошчилигидаги рус крестьянлар кўшини билан иттифок шартномасини тузди. Шунингдек,

рус генераллари ва офицерлари томонидан тузилган «Туркистон харбий ташкилоти» уларнинг итгифокчиси сифатида фаолият кўрсатди. Фаргона водийсига 30 минг аскар киритилди. «Барибир, туб ахолининг бизга душманчилиги сакланиб, - дейди Юрий Папоров, - «босмачилар» енгиллик билан бизнинг харбий горнизонларимизни тор-мор этаверди. Окибатда биз кўшинларимизни кишлокдан олишга мажбур бўлдик». 1918 йил июлда Кўкон уездида Эргаш бошлик Ватан химоячилари ва Кизил армия ўртасида тўқнашув бўлди. Ватан химоячилари галабага эришдилар. Кўкон, Наманган ва Андижон уездларида ҳам ватан химоячилари кучайди. Горчаков темир йўли ва Эски Маргилонда ҳам каттик жанглар бўлиб ўтди. 1919 йил баҳорда Мадаминбек ва Эргаш кўрбошилар бошлик икки марказ шаклланди. Уларнинг бири Андижон, Наманган, Скобелев уездларида, иккинчиси эса Кўкон уездида ташкил топди. Мадаминбек, Эргаш, Шермухаммад, Омон Полвон рахбарлигидаги ватан химоячилари Жалолобод, Ўш, Наманган атрофлари-

да Кизил армия билан жанг қилдилар. Ватан химоячилари 1919 йил сентябрда Ўш шаҳрида Кизил армияни маглубиятга учратиб шаҳарни эгалладилар сўнгра Жалолободни ҳам кўлга киритдилар. Андижонда большевиклар мудофаага ўтиб пахта тойларидан баррикадалар қурдилар. 6 кун давом этган жангда кўшимча келган ёрдамчи полк кучайиб 26 ва 30 сентябрда Ўш ва Жалолободни эгалладилар. Кўрбошилар орасида бирдамлик йўқ эди. Уларни бошқарадиган ҳукумат ҳам йўқ эди. 1919 йил 22 октябрда Ойим кишлогига 150 та кўрбоши Мадаминбек бошлик армияга бирлашдилар. Ноябрь ойида Ватан химоячилари томонидан Кизил армия полки тор-мор этилди. Мадаминбек бирин-кетин маглубиятга учраганидан кейин таслим бўлди. Туркистон frontiдаги иккинчи Туркистон ўкчи дивизия билан Мадаминбек ўртасида шартнома имзоланди. Шўро ҳокимиятини тан олишга, унинг барча буйруқларини бажараман. Шўро ҳукумати Туркистон фуқаролари орасида шариат асосларини саклаб қолиб меҳнаткашларни манфаатларини химоя этишга, мусулмонларнинг маҳаллий шарт-шароити ва урф-одатларига йўл берилишига, доимий қароргоҳи Наманганда бўлиб, ташқи душманлардан химоя қилишга ваъдалар берилди. 13 мартгача харбий инқилобий кенгаши ва Туркистон марказий ҳокимиятига содик эканлигини билдириш учун Тошкентга боришга сўз бераман, деб кўл қўйишади. Мадаминбек кўшинларини саклаб, унга бошчилик қилиш шартига умид қилади. У жамиятни шариат асосида бошқаришни талаб қилди. Лекин бу Мадаминбекни жиловлаш учун қилинган ўйин эди. Шартнома Туркистон халқ комиссарлар совети раиси билан эмас, Фарғонадаги ўкчи дивизия бошлиги билан тузилиши нотўғри эди. Мадаминбек сиёсий жихатдан тажрибасизлик қилди.

1919 йил мартда истиклолчилик харакатини кучайишига қарши М. В. Фрунзе кўмондонлигида Туркистон fronti тузилди. Куйбишев харбий кенгаш аъзоси этиб тайинланди. Улар Ватан химоячиларига қарши аёвсиз қурашдилар. Куйбишев тузилган битмни қоралади. Мадаминбек билан тузилган битмни матнини ўзгартиришади. Мадаминбек бошчилигидаги кўшинни саклаш норозилик келтириб чиқарди. Фрунзе: «Собик «босмачи»лардан тузилган бригадаларни тарқатиб юбориш керак» деб талаб этди. Аслида ким босмачи? Фрунзенинг ўзи эмасми?! Она ватанни химоя қилган киши юрт химоячиси, дея аъзозланади-ку! Сулх битами амалда коғозда қолиб қетди. Бу «большевикларнинг иккиюзламачилиги ва фирбгарлигини кўрсатувчи далиллардан биридир». Баъзилар Мадаминбекни қиргинборатдан, очлик ва оғир ҳаётдан халос этиш учун сулх тузган дейишади. Унинг ўзи ҳам худди шундай деган эди. Собик иттифок

мазлум халкларга озодлик, эркинлик ва ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини бериш ҳақида декларация эълон қилган эди. Бунга ишонган жаҳидлар Туркистон Мухториятини ташкил этган эдилар. Аммо большевиклар Фаргона водийсини қонга белаб, вайрон этиб мухториятни ағдардилар. Мадаминбек бунинг гувоҳи бўлиб туриб большевикларга ишонч билдиришини оқлаб бўлмади. У катта сиёсий хатога йўл қўйди. Чунки сулх битами большевикларга катта фойда келтирди.

Большевиклар фурсатдан фойдаланиб, водийда харбий тайёр-гарликни қучайтирди. Мадаминбек большевикларга хизмат қилишни бошлаб юборди. Ватан химоячилари орасида тарқоклик бошланди. Шермухаммадбек (Кўр Шермат) ва Холхўжа кўрбошилар уни ватан хоини деб эълон қилган эдилар. 1920 йили 4 майда Мадаминбек Холхўжа кўрбоши томонидан ўлдирилди. 1920 йил июль ойида Шермухаммад кўрбошиларнинг мажлисида Ватан химоячиларнинг сардори этиб сайланди. Ватан химоячиларининг сони 30 минг кишига етказилди. Яна озодлик қурашининг алангаси порлади. Туркистон марказий ижроия комитети Фаргона водийсида харбий ҳолат эълон қилди. 1920 йил май ойида Фрунзе водийга келиб қурашга бошчилик қилди. Ватан химоячилари бу вақтда Олой тоғида ўрнашган эди. Бу ерда душман қучлари билан тўқнаш келади. Ватан химоячилари Олойдан тушиб Фаргона, Наманган, Андижон, Ўш ва Жалолободда бўлишди. Кизиги шундаки, Ватан химоячилар орасида аёл Олтиарикнинг Полосой қишлоғида тугилган Шакархон жангчи аёл сифатида ном чиқарди. Кейинчалик Шакархон олтиариклик Тўйчи кўрбошига қўшилиб қураш олиб борди. Бу аёл Шакар кўрбоши номи билан юздан ортик йигитга бош бўлиб жанг қилди. Ўғли Одилжон ҳам онаси сингари Ватан учун қураш олиб борди. Уни большевиклар ўлдирди. Ёлғиз ўғли учун ўч олиш жанги Қайроғоч қишлоғида бўлди. У Олтиарик, Риштон ва Скобелев шаҳрида Қизил армия қисмларига зарба беради. Шакархон кўрбоши 1921 йил охирида, жангларнинг бирида ҳалок бўлади. Қизил армия қисмлари қучайиб Шермухаммад бошлик

ватан химоячилари Олой тоғларига чекинди. 1921 йилда Андижон уездида, Сўҳда, Булокбошида, Чустда жанглар давом этди. Ўша йилнинг май ойида химоячилар Наманганга ҳужум қилдилар. Раҳмонкул кўрбоши Ашава қишлоғида 8 соатли жангда 65 солдатни ўлдириб галабага эришди. Лекин душман янги қучларни ташлаб, 1921 йили ноябрда Ашавага қайта ҳужум қилдилар. Ватан химоячиларидан 800 киши ўлдирилди, Раҳмонкул кўрбоши Чотқол томонга яширинди. 1921 йили сентябрда Шермухаммад бошлик ватан химоячилари ва қизил армия ўртасида Шохимардонда 14 соат жанг бўлиб, у чекинишга мажбур бўлди. Шундан кейин душманлар қирғиз кўрбошчиси Муэддинга қарши ҳужум уюштириб галабага эришдилар. 1921 йил январдан бошлаб сентябргача Ватан химоячиларидан 2500 таси ҳалок бўлди. Лекин мустақиллик учун қурашни ҳамон давом эттира беришди. «Айрим маълумотларга кўра 1922 йилнинг баҳорида Фаргона водийсида Шермухаммад, Ислоқкул, Эшман бойвачча, Мирзо Умар, Умаркул, Омон Полвон, Боестон, Муэддин, Шермат, Жонбекқози Аҳмад Полвон, Исроил, Шермухаммаднинг укалари, Нурмат ва Тошмат, Мамароз, Қорабой ва бошқа кўрбошилар истиқлол учун қурашишни давом этгирдилар». У ёки бу жойларда душманга қарши Мирза понсот, Давронбек, Тўхтасин, Хонмирза Қаримжон, Сотволди Турсуналиев ва бошқа ўнлаб кўрбошилар жанг олиб бордилар. 1923 йил истиқлол учун қураш давом этди. Бирок ўша йилнинг охири ойларида «босмачи»ларнинг асосий қучлари тор-мор этилиб, собик иттифок ўзининг мавқеини мустаҳкамлади. Шермухаммадбек Афғонистонга чекинди. Лекин Ватан химоячилари айрим ерларда қурашни давом эттирдилар. Сузоқ қишлоғида

Нурулло Максум бошчилигидаги «босмачи»лар ҳам таслим бўлдилар. Уларни алдаб, тинчлик шартномасини(яраш) тузиб пахта заводида катта зиёфат уюштириб, уларни хаммасини кўлга олиб Ўш шахрига олиб кетдилар.

«Босмачилик» харакатининг кучайиши «аслида у 1918 йил февраль ойида большевикларнинг Туркистон мухториятига карши бошлаган уруши жараёнида юзага келган эди... 1918-1924 (7 йил мобайнида) кураш давом этди. Шу йиллар орасида уларнинг сони 20—30 минг кишига етди». Бу хақиқий миллий озодлик кураши бўлиб муҳим аҳамият касб этди.

Аввалдан эълон қилинган халқ комиссарлар советини қарорида халқларнинг тенглиги ва ўз тақдирини ўзи белгилашлиги ҳар қандай миллий ва диний имтиёзларни бекор қилиб майда миллатларни эркин тараккий этишига йўл очиб бериш «Россия ва Шарқ меҳнаткаш мусулмонлар»га кўрсатилган ҳуқуқдарга риоя қилинмади. Қонуний эркинлик бериб элон қилинган Туркистон автономияси 1918 йили 19-26 январда Тошкентда мухторият ҳуқуқати бекор қилинди деб унинг 30 та аъзоси қамалди. Муваққат ҳуқуқ мат ва большевиклар мусулмон халқларининг Қозон шахрида бўлган йигилишида автономиянинг қуролли қучларини ташкил қилиш ҳақидаги қарорини жону жаҳти билан бажармасликка ҳаракат қилишди. Ана шундай бўлса-да, мустақиллик ва озодлик учун курашувчи Туркистон халқлари адолатсизликка қарши курашувчи қучлардан фойдаланиш чорасини кўришди. Ваҳоланки, 1917 йил декабрда «Улуғ Туркистон» (Тошкент) газетасида Қўқон автономияси бу Туркистонни Россиядан ажратиб олиш ниятида эмас эди. Лекин унга қарши уюштирилган қонли юришлар ҳар қандай ҳолатни яратиши мумкин. Қўқон мухториятини ҳимоя қилиш, уни большевиклар зулмидан сақлаб қолиш Эргаш Қўрбошига топширилди. Шундай қилиб, халқ миллий-озодлик ҳаракати биринчи марта 1917 йил охирида ва 1918 йил бошларида Қўқонда вужудга келди. Миллий озодлик ҳаракатининг катнашчиларини «қаллақесарлар», «босмачи», халққа қарши деб кўрсатишга ҳаракат қилди. 1918 йил 22 февралгача большевиклар шахар мудрофаачиларига қарши Қўқон кўчаларида катта жанглар уюштирдилар. Шўро кўшинлари 10 мингга яқин туркистонликни қириб ташлади. Бу курашда большевиклар арман дашноқларидан жуда унумли фойдаландилар. Бир ой давомида шахар арман миллатчилари (Дашноқ)лар томонидан талон-тороғ қилинди. Арман дашноқлари биргина 1918 йил бошларида Маргилонда 7 минг, Андижонда 6 минг, Наманганда 2 минг, Қўқонда 4,5 минг кишини отиб ташладилар. Фарғона водийсида 180 та қишлоққа ўт қўйдилар. Мухториятни тор-мор қилиниши большевикларни миллатларни ўз ҳуқуқини ўзи белгилаш масаласини юзаки эканлигини исботлади. Кейинчалик 1918 йил май ойида Туркистон совет автоном социалистик республикаси тузилганлиги эълон қилинди. Бунга маҳаллий миллий вакиллардан озчилик қиритилди. Лекин улар халқ қилувчи роль ўйнай олмади. Шундай қилиб, Туркистонда шўро ҳокимияти зўрлик асосида ўрнатилди. Қўқондаги Туркистон Мухториятини тугатилиши қиргинлар, ёнгинлар, талон-тороғлар ва ҳаёсизларча халқни қизил империя давлатига бўйсундира олмади, аксинча бундай ҳолат туркистонликларни, айниқса, Фарғона водийсидаги қахрамон халқни қўлга қурол олиб кўп йиллар давомида қелгинди босқинчиларга қарши кураш олиб боришга ундади. Бу Туркистонда ҳақиқий партизанлик урушининг бошланиши эди. Шермухаммадбек (Шерматбек), Муҳаммад Аминбек (Мадаминбек) Нурмухаммадбек (Нурматбек), Холхўжабек ва бошқа эл ичидан отилиб қикқан эрк жангчилари раҳбарлигида советларга қарши узок йиллар кураш олиб бордилар. Шўроларнинг қражданлар уруши, Россияда 1918 йил баҳоридан бошланиб 1920 йилгача давом этди. Туркистонда эса маҳаллий аҳоли ўз устидан ҳуқуқрон бўлган

шўроларга карши миллий озодлик курашини давом эттирди. Россияда ок гвардиячилар билан кизил гвардиячилар бундай уруш Туркистонда юз бермади. «Босмачилар»нинг аксарият кисми Туркистоннинг мустакиллигини саклаб қолиш учун харбий кучлар сифатида чет эллик мустамлакачиларнинг «янги тузуми» (советлар)га карши кураш олиб бордилар. Уларнинг бу курашлари 10 йилдан ортик давом этди. Бу ном «босмачи»лар великорус шовинизмига аёвсизларча вахшийликка, адолатсизликка карши умумхалк курашига айланиб, 1930 йилнинг биринчи ярмигача давом этди. Кўкон мухторияти рус шовинистлари ва арман дашноклари томонидан конга ботирилгач, 1918 йил бахоридан халк озодлик харакати Ўш атрофини Кизил империя чангалидан озод кила бошлади. 1918 йил кузида Фаргонанинг шаркий худудида Мадаминбек (Мухаммад Аминбек) ўз харакатини кучайтирди ва 1918-1920 йилларда Фаргона миллий озодлик харакатининг марказига айланди. Миллий озодлик харакатининг бирлашган кучлари Жалолобод ва Ўш шаҳарларини эгаллаб 1919 йил 17 сентябрда Андижонни камал килди. Лекин катта кучга эга бўлган Андижон гарнизони озодлик курашчиларини чекинишга мажбур килди. 1920 йили март ойида Мадаминбек Ахмадбековни таслим қилиб кон тўқилмасин, хаммага озодлик берилади деган ваъдалар билан таслим бўлишга мажбур килди.

Мадаминбекнинг таслим бўлиши озодлик харакатини сўндира олмади, аксинча, 1920 йил кузда Фаргонада Шерматбек (Шермухаммадбек) етакчилигида озодлик харакати яна авж ола бошлади. Бу харакат 1923 йил охиригача давом этди.

Туркистонда ташкил топган учинчи бир миллий мустакил давлат - Хоразм Халк Жумхурияти эди. 1917 йил декабрида Тош-кентдаги Шўро Комиссарияти Хива хони мустакиллиги шўролар ҳукумати томонидан танилганини билдиради. Аммо большевикларнинг вақтдан ютиш учун ишлатган бу найрангига Асфандиёрхон учмайди ва у Совет хокимиятини тан олишдан бош тортади. Айни вақтда мухожирликдан қайтиб келган Жунаидхон Хива хони сиёсатидан норози бўлган таркок туркман кабилаларини бирлаштириб хонга карши бош кўтаради ва у бир вақтда Шўро хокимиятига ҳам карши кураш бошлайди. Асфандиёрхон, Жунаидхон бирлашишади. Пекин 1918 йил сентябрида Асфандиёрхон мафхий равишда ўлдирилади. Жунаидхон тахтга Асфандиёрхоннинг тогаси Абдуллахон юзаки тахтга ўтказилади. Аслида эса Жунаидхон Хива хонлигининг мутлак ҳукмдори бўлиб қолади.

1918 йил 4 апрелда Россия ҳукумати топширигига биноан Туркистон АССР ҳукумати Жунаидхон билан сулҳ шартномасини имзолайдилар. Лекин Совет хокимияти Хивада инкилоб ўтказишга хар томонлама тайёргарлик кўра бошлайди. Советларнинг Хивага нисбатан душманлигини сезган Жунаидхон РСФСР билан Туркистон АССРига карши урушга тайёргарлик кўра бошлайди. 1919 йили декабрдан Жунаидхонга карши советлар юриш бошлайди. 25 декабрда Кизил кўшин Амударёдан ўтади. Жунаидхон кўшинлари большевик босқинчиларга каттик каршилиқ кўрсата бошлайди. Аммо кучли кизил гвардия зарбасига бардош бера олмай Урганч томонга чекинади. 1920 йили 17 январдаги кучли жангда Жунаидхон кўшинларни саклаб қолиш мақсадида асосий қароргохи (яхши мустахамланган) Тахтакалъага чекинишади. Лекин 1 февралда Кизил империя кўшинлари хонлик пойтахти Хивани эгаллайди. Абдуллахон Хива хонлигидан воз кечади. Туркистонда содир этилган вахшийликларнинг хаммасига Эллиава, Куйбишев, Колесов, Фрунзе каби большевиклар бошчилик қилади. Илгариги генерал Скобелев, Кауфман, Куропаткин ва бошқаларнинг вахшийлигидан буларнинг қилган ишлари ўтиб кетди. Хивадаги тўнтариш халк кўзголови натижасида эмас, балки чет эл интервенцияси никобирида юз берган эди. Лекин РСФСР ва Туркистон АССР ҳукумати Хива хонлигини ер

билан яксон килган совет харбий кучлари эмас, халк инкилоби деб тушунтирдилар. 1920 йил февралда «ёш хиваликлар» умумхоразм курултойини чакириб «Хоразм Халк Жумхурияти» тузилганлигини эълон килдилар. Туркистонда яна бир миллий мустакил ҳукумат тузилди: Хожи Юсуф, Пахлавонниёз - ҳукумат раиси, Бобоохун Салим ўгли - бош вазир, Мулла Ўроз- хўжа Мухаммад - ташки ишлар вазири, Жуманиёз Султонмурод - ички ишлар вазири, Мулла Бекжон - маданият вазири, Хасан ўгли - харбий вазир, Мулла Нормухаммад - иктисод вазири бўлдилар. Курултой Хива хонлиги ўрнида қадимий Хоразм номини қайта тиклайди. Ёш Хоразм Халк Жумхурияти эълон қилинади, ўзининг миллий харбий кўшинларини тузади. РСФСР ҳукумати расман Хоразм Халк Жумхуриятини танийди, иккинчи томондан эса бу ҳукуматни тезда йўқотиш чора-тадбирларини кўра бошлайди. 1920 йил 26 апрелда Хива шаҳрида чакирилган 1 Бутун Хоразм курултойи (аслида 2нчи) Хоразмни совет республикаси деб эълон қилди. Шундай қилиб, Хоразм Халк Жумхурияти халок бўлди, Ҳукумат аъзоларининг кўпчилиги камокка олинди.

Бухоро амирлиги 1917 йил февраль инкилобига қадар Россиянинг протектората сифатида яшади. Туркистон Халк Комиссарлари раиси Колесов 1918 йил 28 февралда янги Бухорога (хозирги Когон) шаҳрига келади. У Туркистон ҳукумати номидан Бухоро хонлигига қарашли рус шаҳарларида Совет ҳокимиятини тан олишни ва хонликни бошқаришни демократлашни буюради. «Ёш бухорочилар»дан ижроия комитет таъсис этиш ва бу комитет кўлига давлат ҳокимияти ўтиши кераклигини ҳам тақлиф этади. Саид Олимхон бу талабни бажаришдан бош тортади ва икки давлат ўртасида уруш қелиб чиқишига бу бир бахона бўлади. 1918 йил 2 мартда Ф. Колесов хонлик пойтахти Бухорога ҳужум бошлайди. Бу ҳужум Колесов учун мағлубият билан тугайди. Бухоро халқи амир кўшинлари билан биргаликда Бухоро мустақиллигини химоя қилади. Колесов чекинади. Амирликни йикита олмаган шўролар 1918 йили 25 мартда Кизилтепада сулх битимини имзолашга мажбур бўлди. Бу урушдан сўнг большевикларни вакили сифатида Эллиава, Шалва, Зурабович ва Брайдо Бухорога келди. Амир билан суҳбатда улар харбий ёрдам кўрсатишга тайёр эканлигини билдиради. Саид Олимхон Жунаидхон билан шўроларга қарши харбий иттифок тузишга, Афғонистон билан дўстлик аҳдномаси тузишга эришади.

Большевиклар Бухорога қарши зудлик билан такрорий ҳужум М. В. Фрунзе бошлиқ режасини ишлаб чиқди. «Бухоро инкилоби» деб аталмиш бу давлат тўнтаришига раҳбарлик қилиш учун В. В. Куйбишев «Ёш бухороликлар» марказий бюросининг раиси Ф. Хўжаев ва Бухоро коммунистик партияси (янги) марказий комитетининг раиси Хусаиновларга топширди. Большевиклар яна хийла ишлатиб сулх тузиш учун Барановни элчи қилиб Тошкентдан Бухорога жўнатдилар. У амир билан хушмуомалада бўлди. Амир Кизил аскарларни Когондан олишни талаб қилди. Ўзи ҳам кўшинларини темир йўлда 5-6 км орқага чекинтирди. Бу найранг эди. Большевиклар 1920 йили 28 августдан 29 августга ўтар кечаси соат 12да тўсатдан Бухорога қарши ҳужум бошлади. Катта куч ишлатиб уч кун ичида Бухоро шаҳрини босиб олди. Бухоро амири Гиждувон томон чекинди.

Сентябрь ойида Амир Бухородан қочиб кетганидан кейин 1920 йил 25 ноябрь (7 ноябрь) Бухоро амири олдидаги майдон «Бухоро мустақиллиги» майдони деб эълон қилинади. Мунавварқори Абдурашидов хотира асарига бундай ёзади: «Файзулла Хўжаев октябрь байрами ва Бухоро мустақил бўлганлиги билан табриклар, нутқ сўзлайди. Шу кундан бошлаб «ёш бухороликлар» «Мустақиллик» сўзини тез-тез қўллайдиган бўлдилар ва унга

эришишга харакат кила бошладилар. Оз вақт ўтгандан кейин Турк комиссия аъзоси Сафаров Бухорога келади ва мени Ревкомга чакириб вазият ҳақда сўради. Ф. Хўжаев унга халқ ҳозирги вазиятдан норози эканликларини айтиб: «бу инқилобми ёки босиб олишми?», деган саволларни ўртага ташлаганликларини айтдим дейди. Мунавваркори Бухоролигида бу ерда Бошқирстон миллий мухторият ҳукумати большевиклар томонидан худди Кўкон Туркистон мухторияти каби тор-мор этилганлиги, унинг бошлиги ва ҳарбий вазири Аҳмад Зокий Валидий (Валидов) кочиб келади.

Мунавваркори, Ф. Хўжаев ва бошқа Туркистон миллий бирлиги гоёсини олга сурувчиларнинг бирлашиши туфайли Ўрта Осиё ва Козогистон махфий-миллий аксилкоммунистик харакат марка-зига айланади.

Марказнинг мурожаатига кўра, Туркистон миллий бирлиги гоёси фидойилари Кокажон Бердиев, «Алашўрда» вакиллари, козок Хайриддин Болгинбоев, Мухтор Аvezовлар ҳам Бухорога келади. Бухородаги «Бухоро истиклоли», Тошкентдаги «Миллий иттиҳод», Козогистондаги «Алаш ўрда» ва бошқа миллий озодлик харакатлари марказларининг маркази - Туркистон миллий бирлиги махфий ташкилоти ташкил топади. Унинг етти бандлик «Умумплатформаси» — харакат дастури ҳам қабул қилинади. Уни А. З. Валидий Тўгон бошқаради.

«Туркистон миллий бирлигининг асосий максоди бутун Туркистон тарихий - географик минтақадаги боскинга қарши озодлик харакати босмачилик урушларини бирлаштириш бу гоё 1929 йил сентябрда Бакуда бўлган. Шарқ халқларининг қурултойи Мунавваркори Абдурашидхонов, Т. Рискулов, А. З. Валидий, Анвар пошшо ва бошқалар томонидан олга сурилган бўлиши мумкин. Чунки Туркистондан борган ҳамма делегатларда большевистик боскинга нисбатан нафрат қучли бўлган. Шу ерда Анвар пошшо билан А. З. Валидий яширин ҳолда учрашиб Туркистон халқлари тақдири ҳақида ўйлаганликлари маълум»

«Туркистон миллий бирлиги» «Ўрта Осиё мусулмон халқ жумҳурияти» деб ҳам номланиб, у ўз атрофига Туркистон миллати фидойиларининг йирик вакилларини тўплади.

Минтақада махфий фаолият юритди. Миллий озодлик харакатларини ўзаро уйғунлаштириш соҳасида жуда ташкилий — оммавий ишларни жонлантирди. Салкам уч йил ичида ўзининг учта (Бухоро, Самарканд ва Тошкент) конгрессини ўтказди. Булар албатта, ўз-ўзидан эмас, балки каттагина маблаг эвазига амалга оширилгани аниқ.

Маълумки бу пайтда «Туркистон миллий бирлиги» харакати қамраб олган минтақада очарчилик ва иктисодий таназзул авж олган эди. Бунинг устига- устак, совет ҳукуматининг ўзи халқ оммасини очикдан-очик, ҳар хил сиёсий компаниялар баҳонасида талаб топталаётгани ҳам маълум.

Шу нуқтаи назардан ҳулоса қилинса, жаҳидчиликдан ўсиб унган БХСР ҳукумати раҳбарлари ўз хатоси ва алданганликларидан ҳулоса чиқариб, «Туркистон миллий бирлиги» гоёсининг амалга ошишига умид боғлаган ҳолда давлат хазинасидаги олтин захирасидан маълум бир қисмини сарфланган бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Чунки уларга амирдан қолган мерос, юқоридан тахминан бўлсада, кўрсатилганидан каттагина бўлган.

Кейинга пайтда маълум бўлишича, Ф. Хўжаев коммунистик боскинга қарши хатто махфий равишда «босмачилик уруши» кўрбошиси билан битим ҳам тузган экан. Бундан кўриниб турибдики, у икки томонлама иш олиб борган. Бир томондан, миллий озодлик учун махфий фаолият юритган бўлса, иккинчи томондан мавжуд мустамлака, ўзи юқорида тан олингандек, «қул» каби хизмат қилишга мажбур бўлган .

1920 йил 2 сентябрда Туркфронт кўшинлари Бухорода давлат тўнтариши қилиб шаҳарни



эгаллаб олишди. Бутун Бухоро инкилобий комитета ва халк нозирлиги советининг РСФСР мухтор вакиллиги билан кўшма мажлис бўлиб, Умум Бухоро инкилоб комитета ва республика ҳукумати тузилди. Ҳукумат раиси этиб Ф. Хўжаев тайинланди. Ана шундай вазиятда «Ёш бухороликлар» ва ислохотчилар 1920 йил 6 октябрда Умум Бухоро Халк курултойини чакириб Бухоро Халк Жумҳуриятини эълон қилдилар.

Совет ҳукумати 1924 йил 12 июнда Бухорони Совет Социалистик Республикаси деб эълон қилди ва ҳукумат аъзоларини катагон йилларида кириб ташлади. 1920-1931 йилларда Бухорода миллий озодлик харакатига Мулла Муҳаммад Иброҳимбек етакчилик қилди. Бу ерда ҳам «босмачилик» харакати кучайиб кетди. Иброҳимбек қайси кишлокка борса большевикларни кирар, курул-яроқларини тўплар эди. Иброҳимбек Кулоб ва Балжувондан сўнг Коратегин ва Дарвоз вилоятларини хужум билан олади. Шу вақтларда Анвар пошшо Иброҳимбек билан бирга жангга киради. Иброҳимбек Денов, Бойсун, Шеробод, Гузар ва Карши атофлариде муҳим галабаларни кўлга киритади. Анвар пошшо Балжувон юкори қисмида бўлган жангга каттик яраланади ва 1922 йили 4 август куни вафот этади, Хазрати Султон зиёратгоҳида дафн этилади. Шундай қилиб, Иброҳимбек шўроларга қарши 7 йил давомида тинимсиз жанг қилади. У Бухорога хужум қилиб 12 дарвозасидан олтитасини эгаллайди. 1920-1924 йиллар давомида Мулла Абдулкаҳхор, Жўра Амин, Мурод Мешкоп, Митан Полвон қаби йирик кўрбошилар раҳбарлигида «истиклолчилик» харакати бутун Зарафшон водийсини қамаб олади. Бопевиклар «босмачилик» харакатини тугатиш учун катга куч тўплади. Бухорода Иброҳимбек, Хоразмда Жунаидхон отрядлари шўролар ҳукуматиға таҳдид солиб турар эди. Жунаидхон кўшинлари 1924 йилда, Иброҳимбек кўшинлари 1926 йилда тугатилди. Туркистонда кенг кулоч ёзган миллий озодлик харакати 1934 йилгача давом этди. 1939 йилда Туркистонда 14 минг, Эдил-Уралда 7 минг, Шимолий Кавказда 4 минг ва Қримда 1 минг масжиди шариф бузиб ташланган. Агар 1917 йилда Туркистонда 20 минг масжид бўлган бўлса, 1953 йилга келиб фақат 250 масжид қолди.

Коммунистлар ислом динини йўқ қилмоқчи бўлди. 6 млн туркистонликни «миллатчи», «пантуркчи», «панисломчи», «халқ душмани», «кулоқ» ва «империалистлар малайи» қаби тамгалар билан қоралаб катагон қилди ва кириб ташлади. Лекин Туркистон халқлари ўз миллий борлиқларини, ўз динини, ўз маданиятини, ўз тилларини сақлаб қолишға мувофиқ бўлдилар. Инсоният тарихида ҳеч бир салтанат абадий бўлган эмас. Пётр I барпо этган Россия империяси (унинг меросхўри Қизил империя) ҳам роппа-роса 270 йилдан сўнг - 1991 йилда қулаб парчаланиб кетди.

Тўхтасин Мўминов